

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 6 ноябрь, пайшанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 218 (11.279)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Гулистон Давлат университетида ўтказилган семинар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамиятига бағишланди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят ва туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, университетнинг профессор-ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

● «Гиссарнефтогаз» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси Қашқадарё вилоятида жойлашган Шимолий Нишон конида газ конденсати қазиб олишни бошлади. Дастлабки синов натижаларига қараганда, бу ерда 3480 метр чуқурликдан кунига 450 минг кубометр газ қазиб олиш мумкин. Қўшма корхона томонидан қазиб олинган газ барча табиий газ хорижга экспорт қилинмоқда. Нефть ва газ конденсати эса қайта ишлангандан сўнг ички бозорга киритилмоқда.

● Ташки иқтисодий фаолият миллий банкининг Жиззах вилоят бўлими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга, қишлоққа саноатни, замонавий техника ва технологияларни олиб киришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида банкнинг вилоят бўлими томонидан умумий қиймати 4 миллион 276 минг АҚШ долларига тенг бўлган етти лойиҳа молиялаштирилди.

● Қизил Ярим Ой жамаиати Темирийўл кенгаш тасарруфида яна бир саховатпеша хизмат ташкилоти юзага келди. «Меҳр-шафқат» деб номланган бу жамоа ўз фаолиятини маблағ тўплаш ойлгини ўтказиш билан бошлади. Аҳолининг кам таъминланган қатлами, боқувчисини йўқотган ҳамда ёлғиз қолган қария ва етим болаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳозирда ташкилот томонидан муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

● Тошкентлик бир гуруҳ мактаб ўқувчилари «Ватанимни ўрганаман» шиори остида Андижон вилоятида бўлишди. Улар Андижон шаҳридаги Бобур қадамжоларини зиёрат қилишди, Асакадаги автомобиль заводи фаолияти билан танишишди, вилоят ўлкашунослик музейида ҳам бўлиб, Андижон тарихига доир маълумотлар ва осори-атиқаларни кунт билан ўрганишди.

ЖАҲОНДА

● 4 ноябрдаги сайловларда галаба қозонган АҚШнинг наватбдаги президенти Барак Обама Чикагодаги ўн минглаб сафдошлари ҳузурда тантанали нутқ сўзлади. Обама 2009 йил 20 январда инаугурация маросими ўтказилганидан сўнг АҚШнинг 44-президенти сифатида ўз вазифаларини бажаришга расман киришди.

● Австрия ҳукумати мамлакатдаги Kommunalkredit банкига тегишли 99,78 фоиз акцияни сотиб олди. Давлат шу йўл билан молия муассасасини иқтисодий инкироз ва кредиторлар ихтиёрига ўтиб кетишдан сақлаб қолмоқчи. Ҳукумат мазкур банкни ўз назоратига олганидан сўнг унга юз миллион еврога яқин сармоя киритиш, молиявий аҳволини барқарорлаштиришни қўлаб туртибди.

● «Франс-пресс» агентлиги «Боинг» корпорацияси томонидан «Орзу» ҳаво кемаси — «Боинг-787»нинг биринчи парвози санаси кўчирилганини маълум қилди. Корпорация матбуот хизматининг аниқлик киритишича, бундай қарорга самолётдаги қатор бириктирувчи элементларни ўрнатишдаги муаммолар, шунингдек, компания механикларининг иш ташлаши сабаб бўлган.

● Германиянинг Ганновер шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда йўловчи ташувчи автобус ёниб кетган. Бахтсиз ҳодиса оқибатида автобусдаги 20 йўловчи ҳалок бўлган, 12 киши турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг маълум қилишича, ёнишга йўловчилардан бирининг сигарет қолдигини ўчирмасдан ташлагани сабаб бўлган.

● Кеча Бойкўнгирдаги космодромдан Россиянинг «Протон-М» ракета элтувчиси «Астра-1» Европа алоқа йўлдошини олган ҳолда кинотта парвоз қилди.

● Кеча АҚШнинг Нью-Йорк савдо биржасида ўтказилган наватбдаги савдоларда бир баррел нефтнинг нархи деярли беш долларга пасайгани ҳолда 66 долларлик қийматни ташкил этди.

● Кеча Мехико шаҳри марказида рўй берган авиаҳалокат натижасида Мексика ички ишлар вазири Хуан Камило Мауриньо ҳаётдан кўз юмган. Самолёт ерга қулаб портлагани жойда яна беш киши ҳалок бўлганлиги айтилмоқда. Ҳозирча самолёт ҳалокати сабаблари номаълум.

● Хиндистоннинг «Чандраян-1» зонди Ой атрофида етиб келди. Ҳозирда зонд ер атрофида 380 минг километр баландликда айланмоқда. 8 ноябрь кун «Чандраян-1» наватбдаги режали ҳаракатини қилиб, Ернинг сунъий йўлдошини Ой йўлдошига айланди.

● ДНК таҳлили натижалари ҳақиқатан ҳам АҚШлик машҳур саяхатчи Стив Фоссетнинг ҳалок бўлганлигини тасдиқлади.

● Хитой шарҳида қўшма машинасининг болалар гуруҳига урилиши натижасида тўртта бола ҳалок бўлган, 20 таси тан жароҳатларини олган. Мазкур автоҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ГЕОРГИ ПАРВАНОВ 5 НОЯБРЬ КУНИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ.

Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашди. Президентлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга доир масалаларни, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни муҳокама қилдилар. Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Болгария ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА)

«БОҒИСТОН»ДАГИ УЧРАШУВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ ШУ ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРИГА МУВОФИҚ НОЯБРЬ-ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАХАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ УЧТЕПА ТУМАНИДА ҲАМ ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари томонидан маҳаллаларда учрашувлар ўтказилиб, сайловнинг аҳамияти ҳақида аҳолига тушултириш берилмоқда.

«Боғистон» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган ана шундай учрашувда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари аъзолари, жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ва

бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. Ўзини ўзи бошқариш институти одамлар ўртасида меҳр-оқибатни мустақамлаш, азаллий қадрият ва аъноларни сақлаш ҳамда ривожлантириш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутуши таъкидланди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига ана шу вазифаларни бажаришга салоҳияти етарли экан, халқ орасида обрў-этиборга эга кишиларни сайлаш лозимлиги қайд этилди.

Т.ЗИКИРОВ
(ЎзА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Шу кунларда Бобур кўчасида — Тошкент аэропорти яқинидаги кўприкни кенгайтириш, яъни қайта қурилиши ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқдаки, у фойдаланишга топширилгач транспорт воситаларининг икки томонлама қатнови учун янада қулайлик яратилади. Чунки узунлиги 500 метрдан зиёд бўлган эски кўприкнинг эни яна 7,5 метрга кенгайтирилмоқда.


Бунёдкорлик майдонида айна пайтда ишлар кизгин паллага кирган бўлиб, 240 нафардан зиёд кўприксозлар уч сменада меҳнат қилишмоқда. Қурилиш-тиклаш ишларида бош пудратчи «Кўприкқурилиш» трестининг 13-кўприк қурилиш отряди бўлиб, улар нафақат пойтахтимиздаги, балки вилоятлардаги кўприк иншоотларининг қад ростлашда муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида қуриб битказилган Тошкент «Шимолий» темир йўл вокзали яқинидаги темир йўл кўпригида ҳам отряд ишчи-хизматчилари алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатишди.

— Мазкур қурилиш

Бунёдкорлик майдонларида

КЎПРИК КЕНГАЙМОҚДА

ЗАМОНАВИЙ РАВОН ЙЎЛЛАР ҲАМДА МУСТАҲКАМ КЎПРИКЛАРНИНГ ҚАД РОСТЛАШИ ШАҲРИМИЗ ЧИРОЙИНИ ОЧИШИ БАРОБАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҚАТНОВИ УЧУН АЛОҲИДА ҚУЛАЙЛИК БЎЛМОҚДА, ЙЎЛЛАРДА ТИФЗИЛИКЛАРНИНГ, АВАРИЯ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.



объектида бугунги кунда ишлар кизгин паллага кирди, — дейди 13-кўприк қурилиш отряди бош муҳандиси Баходир Маҳмудов. — Қазис, устунларни ўрнатиш ишларини муваффақиятли амалга ошириб, асосий юмушларни ҳам самарали удалаёламиз. Қурилиш-тиклаш ишларида тажрибали кўприксоз усталаримизнинг меҳнати яхши самара бермоқда. Барча им-

кониятлардан, яъни сифатли қурилиш ашёлари, техника-механизмлар қуввати, кўприксозлар маҳоратидан унумли фойдаланаямиз.

Айни пайтда кўприк қурилишида меҳнат қилётган бунёдкорларга 38 та машина-механизмлар мададкор бўлмоқда. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, трестнинг 14-ҳафтада 67-кўприк қурилиш отрядлари кўприксозлари

ҳам ғайрат билан ишлашмоқда. Шу ўринда ишбоши Эмиль Зовутов, уста Ойбек Тўлаганов, монтажчилар Алексей Ледёнов, Игорь Холиқов ва газпайвандчи Игорь Кулишов сингариларнинг сидқидил меҳнатларини айтиш лозим.

Албатта, қурилишда ғайрат кўрсатаётган ишчи-хизматчиларга барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, улар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Кўприкнинг тез ва соз қуриб битказилиши, шубҳасиз транспортчи ва йўловчиларга қатта қулайлик бўлади. Шу боис ҳам кўприксозлар айна кунларда ўз вазифаларини тез ва соз удалашмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: кўприк қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Фуқаролар йиғинларига сайлов

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

ШАҲРИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ АСТА-СЕКИН ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРМОҚДА. ШУ КУНГАЧА 40 ДАН ЗИЁД МАҲАЛЛАДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг **КЕЧА** бўлиб ўтган наватбдаги йиғилишида сайлов бўйича дастлабки натижалардан келиб чиққан ҳолда жойлардаги ва шаҳар бўйича тайёргарлик ишларига тегишли баҳо берилди.

Таъкидланганидек, сайловлар қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда ташкил этилди. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари сайлови бу йил иккинчи марта «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)» ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги Қонун асосида ташкил этилмоқда. 2004 йилда қабул қилинган мазкур қонун бешта боб ва 31 моддадан иборат бўлиб, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича муносабатларни мувофиқлаштирилади. Шу билан бирга бу йилги сайловларнинг қайд этилган қонун ҳужжати талабига биноан ўзига хос фарқли томонлари ҳам бор. Аввалги сайловларда бевосита сайлов кунини амалда бўлган оқсоқолнинг ҳисоботи тингланган, кун тартибига бешоли ва ундан кўп масалалар қўрилган, бундан ташқари, шу кунни комиссиялар ва кенгаш таркиблари шакллантирилган. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)» ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги Қонун ўз номи билан бевосита сайлов жараёни қандай ташкил этилишини белгилаб бераётди. Бу йилги ўтказилаётган сайловларда қонун талабларига тўлиқ риоя этилаётди. Чунинчи, кун тартибига иккита масала — фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови киритилмоқда. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга эътибор

қаратадиган бўлса, оқсоқол ўз фаолияти бўйича ҳисоботни ҳар чоракда бериб бориши шарт.

Уринли савол туғилади: қонун талаблари жойларда ўтказилаётган сайловларда қандай татбиқ этилмоқда? Йиғилишда айтиб ўтилганидек, биринчи галда айнан шу масалада мувофиқликка эришиш мақсадида шаҳар ва ҳар бир туман кесимида амалиётчи ва назарийчи ҳуқуқшуносларни кенг жалб этган алоҳида семинарлар ташкил этилди. Ҳар бир ишчи гуруҳи зарур қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланди. Бундан ташқари, уларга қўшимча услубий қўлланмалар ҳам тарқатилди. Бу ҳужжатлар тўғрисида аста сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш жараёнида асосий мезон бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Кўргазмалари ва намунали сайловлар бунинг ёрқин ифодаси бўлди, десак адашмаймиз. Аммо сайловни ташкил этиш борасидаги баъзи бир масалаларнинг ишчи гуруҳлари томонидан эътибордан четда қолгани ҳам кузатилди.

Албатта, сайловларга тайёргарлик қўришда ва уларнинг муваффақиятли якуни топилишда асосий масъулият ишчи гуруҳлари зиммасига юклатилган. Бу борада уларга кўнгилли сифатида Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчи ва магистрантларининг яқиндан кўмаги эса сайлов кампаниясининг қонунчилик-ҳуқуқий масалалар бобига янада фаоллашиб боришида алоҳида эътиборга лойиқдир. Аҳоли ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан кенг тушултириш ишлари билан бир қаторда бевосита сайлов жараёни ва тайёргарлик ишлари юзасидан мониторинг ҳам юритилмоқда. Шундай бўлсада, йиғилишда долзарб масалалар қаторида ишчи

гуруҳлари, туман комиссияларининг эътиборига айнан сайлов жараёнига пухта тайёргарлик қўриш лозимлиги, қолаверса, барча масалаларга масъулиятни янада кучайтирган ҳолда ёндошиш зарурлигига ургу берилди.

Дарҳақиқат, маҳаллаларимизда шу кунларда сайлов кампанияси анча жонланганлиги сезилмоқда. Жойларда аҳолига керакли маълумотларни етказиш борасида турли кўринишдаги ахборот воситаларидан фойдаланилаётди. Бу борада ҳар бир туманининг ўзига хос томонлари борлигини ҳам айтиб ўтиш ўринли. Лекин, йиғилишда айтиб ўтилганидек, барча ҳужжатлар қонун ва меъёрий талабига биноан расмийлаштирилишига эътиборни алоҳида жамлаш зарурдир.

Йиғилишда Шайхонтоҳур, Ҳамза ва Сергели туманларига бириктирилган шаҳар комиссияси аъзоларининг ахборотлари тингланди. Қайд этилган туманларда бўлиб ўтган сайловларга шарҳ берилар экан, ана бир бор ташкилий ишларда кузатилган айрим муаммолар келгусида қайтарилмаслиги учун биринчи навбатда тушултириш ишларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Фуқаролар йиғинларига сайловлар муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик тадбирдир. Ўртимизда кенг тус олаётган ушбу жараёнлар, шаҳар сайлов комиссияси раиси Мирзаюсуф Рустамбоев таъкидлаб ўтганидек, кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан қатта қизиқиш билан кузатилмоқда. Сайлов кампаниясининг ҳар бир жабҳаси миллий қонунчилигимизга тўлиқ риоя этилган ҳолда ошқор ва кенг омма фаоллигида ўтишига эришишимиз лозим.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Кеча сатрларда

- **ЎТГАН** кун «Адолат» социал-демократик партиясининг фаол ёшлари ва Тошкент Кимё-технология институтининг бир гуруҳ талабалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ташриф буюришди ва «Фаол ёшлар — келажакимиз» мавзусида уюштирилган тадбирда иштирок этишди.
- **ШАҲРИМИЗДА** мактаб ўқитувчилари иштирокида «Таълим жараёнида тенг ҳуқуқлилик масалалари» мавзусида ташкил этилган семинар-тренинг **БУГҮН** якуланди.
- **ЎТГАН** кунги Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида талабаларнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров билан икхоний учрашуви уюштирилди.
- **ЎТГАН** кунги шаҳримизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Республика «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида иқтидорли ёшлар ўртасида уюштирилган «Келажак овози» танлови ахборот технологиялари йўналиши бўйича республика босқичи қатнашчилари иштирокида семинар-тренинг ўтказилди.
- **ШАҲРИМИЗДА** аёллар ўртасида волеёбол бўйича уюштирилган Ўзбекистон Кубоги мусобақалари якунланди.
- **ЁШЛАР** йилги туҳфа сифатида Чилонзор туманида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан бунёд этилган янги спорт мажмуаси ўз фаолиятини бошлади.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар Рус миллий маданияти марказида Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури «Миллий қадриятларимиз — турмушимиз кўрки» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан)

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАХКАМЛАШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ ҚОНУН БИЛАН ҚҮРИҚЛАНАДИГАН МАНФААТЛАРИНИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, АЙНИҚСА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА КОМИЛ ИНСОНЛАР БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.


Конституциямиз яшамокда ва амал қилмокда

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ЙЎЛИДА

Ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик кадрларни халқ онига етказиш бўйича қўрилатган самарали чора-тадбирлардан бири деб республикамиз аҳолисининг олтинчи фоиздан зиёдини ташкил этувчи ёшлар билан олиб борилаётган, узқоқи кўзлаб амалга оширилаётган, хайрли мақсадларга қаратилган бир қатор ишларни келтириб ўтишимиз мумкин. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Конституция ва қонунларимизнинг сўзсиз ташкил олинши, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўришлари, 18-моддасида эса барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги белгиланган кўйилган. Қонуннинг устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ижтимоий тараққиётимизнинг асосини ташкил этади. Демакки, юртимиз фуқароларининг, айниқса ўсиб келаётган ёшларнинг қонунларни, ҳақ-ҳуқуқлари

ва мажбуриятларини билиши, уларга оғишмай амал қилиши муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш аҳолини, айниқса ёшларнинг бой маънавий меросимиз, миллий ва тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат, демократия ва ислохотларга қаратилган сарват руҳида тарбиялашда халқ килувчи омилардан биридир. Айтиб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотларни бир неча босқичда қўришимиз мумкин. Фикримизча, унинг биринчиси 1992 йилда қабул қилинган мамлакатимиз Конституциясидир. Конституция ўзининг асл моҳиятига кўра юридик ҳужжатдир. Ундаги нормалар доимо устувор, дастурий мавқе касб этади. Қонунлар эса Конституциявий қоидаларни ў ёки бу тарзда ривожлантириш ва ҳаётга таъбиқ этишга хизмат қилади. Бирорта норматив ҳуқуқий акт юридик

қўчига кўра Конституциядан устуун бўлмайди. Асосий қонунимизнинг моҳияти ҳақида сўз юритар эканмиз, шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, ундаги барча нормалар жамият ва давлат тараққиёти учун муҳим бўлган, бири иккинчисини тўлдирувчи вазифаларни бажаради. Масалан, Конституция — мамлакат ҳуқуқ тизимининг бош манбаи, сиёсий тизимнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, маънавий, ҳуқуқий маданиятимиз асосини ташкил этади, ундаги нормалар умуминсоний ва миллий қадриятларни муҳофаза этиш, мулоқот бўлиш, демократик принциплар асосида миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, Ватанимизнинг ҳақоний тарихини ўрганиш ва бу ҳақидаги маълумотни келгуси авлодга етказиб бериш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини аниқлашимизга кўмаклашади. Айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотларни бир неча босқичда қўришимиз мумкин. Фикримизча, унинг биринчиси 1992 йилда қабул қилинган мамлакатимиз Конституциясидир. Конституция ўзининг асл моҳиятига кўра юридик ҳужжатдир. Ундаги нормалар доимо устувор, дастурий мавқе касб этади. Қонунлар эса Конституциявий қоидаларни ў ёки бу тарзда ривожлантириш ва ҳаётга таъбиқ этишга хизмат қилади. Бирорта норматив ҳуқуқий акт юридик



маҳаллалар ва Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси тизимидаги барча ташкилот ва корхоналарда турли учрашув, тадбир ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Шайхонтохур туманидаги Ойла маросимлари марказида ҳам ёшлар билан «Асосий Қонунимиз — фаҳримиз, гуруримиз», «Бош қомусимиз — ҳақ-ҳуқуқларимиз кафолати», «Конституция — ҳаётимиз кафолати» мавзуларида бир қатор учрашувлар ташкил этилмоқда. Мақсадимиз эртамеиз эгалари бўлган ёш авлодга Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини янада тўлиқроқ етказиш, уларнинг ҳуқуқий онги, билими ва маданиятини оширишга кўмаклашишдир. Токи улар ўз байроғи, герби, мадҳияси, ўз Конституцияси бўлган ҳуқуқий демократик жамиятнинг асосий омиларни таъминланган она Ўзбекистони, мустақил юртимизга муносиб фарзанд бўлиб вояга етсин.

Мухтабар МИРЗАЕВА, Ойла маросимлари марказининг 2-тоифали инспектори

ЭНГ МУНОСИБЛАРНИ ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ

...ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТУЗИЛГАН ИШЧИ ГУРУҲНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ ЖОНЛИ ЎТГАНЛИГИ, ҚИММАТЛИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛГАНЛИГИ, АНИҚ-РАВШАН ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛГАНЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРДИ.

Хар бир кўча ёки ҳудуддан белгиланган вакиллар сайлов юзасидан қандай тушунтириш ишлари олиб бораётганликларига тўхталдилар. Улар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўйича қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш билан бирга ўз маҳаллаларига доир маълумотларга ҳам алоҳида эътибор бераётганликларини таъкидладилар. Мулоқот чоғида маҳалла фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган тўртта номзод бўйича батафсил алоҳида таъриф-таъсиф берилди. Ишчи гуруҳи аъзолари томонидан берилган баъзи саволларга шу аснода оидлик киритилди...

Юқорида биз Собир Раҳимов туманидаги «Мойарик» маҳалласида муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга қўрилатган қизгин тайёргарлик жараёнидан бир кичик лавҳани ҳавола этдик. Бу ерда барча ишлар амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарор ҳамда тегишли йўриқномалар асосида олиб борилмоқда. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича етти кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Унга маҳалла ҳудудидаги Тошкент Ирригация ва мелiorация институти масъул ходими Тоҳир Тўражонов раис этиб тайинланган бўлиб, аъзолар сифатида ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлган инсонлар фаолият кўрсатмоқда.

— Маҳалламизда истиқомат қилувчи 3350 кишидан 1411 нафари сайлов ҳуқуқига эга, — дейди Т. Тўражонов. — Уларнинг хар бири сайлов тўғрисида маълумотларга эга. Хар бир масалада туман фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тавсияларига таяниб иш кўралишимиз.

Бу ерда кенг кўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётганлиги, фуқароларнинг турмуш шaroитларини янада яхшилаш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганлиги, шубҳасиз, сайловлар кўтаринки руҳда ўтишида катта аҳамият касб этади. Ўз навбатида, яратилаётган қўлайликлардан баҳраманд бўлаётган «Мойарик» маҳалла аҳли фуқаролар йиғинининг янги таркибига хим энг муносиб эканлигини сайлов кунини ўз фаоллиги билан намоён этади.

Суннат САЙДАЛИЕВ

Иқтисодийёт ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

ЮРТИМИЗДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТУФАЙЛИ ХОРИЖИЙ ВА ҚўШМА ҚОРХОНАЛАР САФИ ЙИЛ САЙИН ОРТМОҚДА, ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ХАРИДОРИГЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА. ҚУВОНАРЛИСИ, УЛАРДА ФУҚАРОЛАРГА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА.

2007 йилдан фаолият юритаётган «Toshafus» масъулияти чекланган жамият шаклидаги кўшма корхона (Ўзбекистон-Жанубий Корея) ҳам «Нексия» ва «Матиз» русумли ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга сифатли ва рақобатбардош ёнилги насослари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мазкур кўшма корхонанинг устоз капитали 450 минг долларни ташкил этиб, жамоада ҳозирда 43 нафар малакали, ўз касбининг усталари бўлган ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда.

— Замон билан ҳамнафас ҳолда, — дейди «Toshafus» кўшма корхонасининг бош директори Конграт Шарипов, — цехларимизни замонавий, хорижий, компьютерлаштирилган ҳамда ярим автомат дастгоҳ-ускуналар билан жиҳозладик. Шунингдек, иш жараёнининг ажралмас қисми бўлган тест стендлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Деярли ёшлардан тузилган жамоа ахлининг касб маҳоратини доимий ошириб боришга катта эътибор қаратамиз.

Жорий йил охиригача ушбу жамият аъзолари буюртма асосида «Нексия» автомобиллари учун 41 мингта ҳамда «Матиз» автомобилларига мўлжалланган 35552 дона насослар етказиб беришни ўз олдиликларига мақсад қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Улар шу пайтгача 32 минг дона насосларни ишлаб чиқариб, миқозларини мамнун қилишди. Қувонарлиси, корхона ахлининг импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлари боис, автомобиль корхонаси жорий йилнинг ўзида 740 минг доллар маблағни иқтисод қилишга эришади.

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШ

ЮРТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ-ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ ЎЗ САМАРАСINI БЕРМОҚДА. УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙТИМИЗ РАВНАҚИДА МУНОСИБ ҲИССАСИ СЕЗИЛАРЛИ БЎЛМОҚДА.

Пойтахтимизда 1993 йилдан буюн фаолият юритаётган «PGS» хусусий корхонаси ҳам кейинги йилларда салмоқли муваффақиятларга эришаётган корхоналар сирасига қиради. Ҳозирда 30 нафар (асосан ёшлар) ишчан, ташаббускор, ғайрат-шижоатли ишчи-хизматчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бу ерда саноят учун 28 турдаги мини электр дастгоҳлар ҳамда машиий ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Тадбиркорларнинг самарали изланишлари, бозорни чуқур ўрганиш орқали ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш асосида хусусий корхонанинг йилдан йилга иқтисодий ўсиши таъминланадиган, бунда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати, кўркамлиги, импорт ўрнини босиши, асосийси, нисбатан арзонлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Масалан, саккиз ойлик кўрсаткичга кўра жамоа 426 миллион сўмлик электр маҳсулотлари ишлаб чиқариб, буюртмаларни ўз муддатларида бажармоқда.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

ТўЛОВ СЕРТИФИКАТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИДА КОРЕЯ ХАЛҚАРО СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАРГА ЙИЛЛИК ШАРТНОМА ТўЛОВ ТўЛАНГАН СЕРТИФИКАТЛАРНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИ БўЛИБ ЎТДИ.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг хар томонлама баркамол, ақлан етук, жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида барча давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан бир қатор саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Мазлумки, 2007 йилдан буюн «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Кореянинг «Саломатлик ва ривожланиш учун» (KIF-I) халқаро жамғармаси билан имзоланган шартнома доирасида «Тенг имкониятлар» лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида ишлар олий ўқув юртлиари билан биргаликда олиб борилаётган. Айтиш жоизки, биргина 2007-2008 ўқув йили учун 16 243,9 АҚШ доллари қийматида 32 нафар кам таъминланган талабаларнинг шартномалари тўлаб берилди. Шунингдек, ушбу хайрли ишларнинг давоми сифатида Республикаимиз минтақаларида таҳсил олувчи 28 нафар кам таъминланган талаба-ёшларнинг 2008-2009 ўқув йиллари учун 22 649 АҚШ доллар қийматида шартнома пуллари тўланди.

— Ушбу лойиҳада иккинчи мартаба қатнашимиз, — дейди Низомий номидаги педагогика университетининг тарих факультети 3-босқич талабаси Матлуба Абдушарипова. — Утган ўқув йилида ҳам мазкур лойиҳа ердамида шартнома пуллари тўлашга муваффақ бўлганмиз. Ёшлар учун яратилаётган бу каби шарт-шaroитлар бизларни янада яхши ўқишимиз ва юқори билимга эга бўлишимиз учун туртки бўлади. Шунингдек, мазкур йилимизнинг «Ёшлар йили» деб номлангани замирида ҳам ҳукуматимиз томонидан биз ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик ётади.

Маросимда сўзга чиққанлар сертификат эгаларига кейинги ўқиш ва ишларига муваффақиятлар тилади. Йил давомида бор куч ва ғайратларини илм олиш учун сарфлашлари зарурлиги таъкидланди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Ҳамкорлик

САРҲАД БИЛМАС ҲАМКАСБЛАР

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЮРТИМИЗ ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ҚАДАМ-БАҚАДАМ ОДИМ ТАШЛАБ САМАРАЛИ ЮТУҚЛАРНИ ҚўЛГА КИРИТМОҚДА. АЙНИҚСА, ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ҲАМКОРЛИК ИШЛАРИ ЎЗИНИНГ АМАЛДАГИ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.

Ушбу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтининг ректори, профессор Жўрабой Собиров раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар Германиянинг Оснабрюк шаҳрида бўлиб қайтдилар.

Ўзбек олимларининг таширфига жавобан, германиялик шифокорлар ҳам 4 ноябрь кунини мамлакатимизга таширф буюрдилар. Шу муносабат билан 5-6 ноябрь кунини Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтида «Онкоурологиянинг долзарб масалалари» мавзусида 2-Халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжумани Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти ректори Жўрабой Собиров кириш сўзи билан очар экан, немис шифокорларининг таширфи иккала мамлакат ўртасидаги тиббий ҳамкорликни янада кучайтиришини, асосий мақсад эса инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг соғлигини тиклашда яқиндан туриб ёрдам беришдан иборат эканлигини, зеро, бугунги кунда фуқаролар саломатлигидан кўра долзарброқ ва муҳим масала йўқ эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, анжуманда, Оснабрюк шаҳри урология ва болалар урологияси клиникаси бош шифокори, профессор Генрих ван Ален Европа гериятрлар ассоциацияси раиси, профессор Дитер Льюте, Оснабрюк шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиникаси мудири, профессор Штефан Пилатус ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар онкоурологиянинг бугунги кундаги долзарб масалаларни, амалга оширилаётган тиббий ишлар, жарроҳлик операциялари ва улар бераётган самара, гериятрия ва пульмонология, анестезиология ва реанимация бўлими фаолияти, тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва оғриқсизлантириш, ўпкани ноинвазив равишда сўний шомоллатиш ҳақида сўзга чиқдилар.

— Биз бир гуруҳ ҳамкасбларимиз билан сентябрь ойида Германиянинг Оснабрюк шаҳрида илмий хизмат сафарига бўлиб қайтгандик, — дейди Тошкент

шифокорлар малакасини ошириш институти ректори Жўрабой Собиров биз билан мақсад эса Германиянинг урология, гериятрия, патология ва жадал терапия соҳасидаги еттакчи мутахассислари билан яқиндан танишув ва шунингдек, илмий-тиббий ҳамкорлик ҳамда таҳриба алмашув имкониятлари ҳақида музокаралар олиб боришдан иборат эди. Немис ҳамкасбларимизнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли мазкур таширф доирасида фақат расмий мулоқотлар ва учрашувлар билан чекланиб қолинмади. Кўзга кўринган шифокор мутахассислардан-профессор Асилбек Ғайбуллаев, ассистент Раул Отаниёзов ва ўзим юксак тиббий технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган иккита жарроҳлик операцияларига бевоқифа иштирок этдик. Кардиология ва функционал тахшис, патология анатомия ва суд тиббийи кафедралари негизига қатор мастер класс машғулотларини ҳамкорликда ўтказдик. Мюнстер шаҳридаги университетда таъ-

лим соҳасининг вакиллари билан учрашдик. Албатта, ушбу сафар давомида оширган малакаларимизни юртимизда амалиётда самарали қўллашга ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат, шифокорларнинг назарий ва амалий кўникмаларини такомиллаштириб бориш мақсадида йўлга қўйилган тренинг машқлар, марказлардан фаол фойдаланиш, жумладан, интерфаол семинарлар ўтказиш, масофадан туриб бошқариладиган дастурлар, телетиббиёт, мастер класс машғулотларининг кенг кўламда амалга оширилиши хар иккала мамлакат мутахассисларининг ҳамкорлигини мустахкамлаб, тиббиёт соҳасида муҳим ижобий натижаларга эришишда муҳим омил бўлиб қолади.

Германиялик шифокорлар Самарканд ва Бухоро шаҳарларига таширф буюриб, ушбу шаҳарларда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишишни ҳам ўз режаларига киритиб қўйганлар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Олий ўқув юртларида

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НАШРЛАРДА

2008 ЙИЛДА ХАЛҚАРО МИҚЁСДА НИШОНЛАНДИГАН КУНЛАР ИЧИДА МАРКАЗИЙ ЎРИНДА 10 ДЕКАБРЬ — БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ТОМОНИДАН 1948 ЙИЛ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН ТУРАДИ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ — КУРРАЯ ЗАМИНДАГИ ҲАР БИР ИНСОННИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАХКАМЛАГАН БИРИНЧИ ҲУҲЖАТ ҲИСОБЛАНАДИ.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлаш мақсадида БМТ ушбу ҳужжат тўғрисидаги билимларни бойитиш учун ҳаракат бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-3994 сонли Фармони ижроси йўлида Ўзбекистонда бир қатор илмий-амалий форумлар ўтказиш белгиланган.


Таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси БМТ доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган (200 га яқин ҳужжат) халқаро универсал ҳужжатлар бутун тизимининг бошланғич нуқтаси, асоси, кейин эса ядросига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мазмуни ва турини белгилувчи принцип ва нормаларининг тизимини ташкил этган юзлаб минтақавий ва икки томонлама халқаро ҳужжатларнинг ҳуқуқий йўналиши ва стандартларига айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси давлат миллий қонунчилигига йўналиш бўлди. Халқаро ҳужжат кўпчилик давлатларнинг нафақат конституцияларига, балки миллий қонунчилиги асосига киритилди.

Президентимизнинг ушбу Фармонининг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Тошкент Давлат юридик институти Ахборот ресурс марказида инсон ҳуқуқларига оид буклет, плакат ва бошқа нашрлар кўргазмаси ўтказилди. Ушбу кўргазмани уюштиришдан мақсад — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳақидаги аҳолининг, хусусан талаба-ёшларнинг тасавурларини янада бойитиш, билимларини такомиллаштиришдан иборат. Мазкур халқаро ҳужжатнинг француз тилидаги илк қўлёзма нусхаси, инглиз тилидаги дастлабки нашри ва шу каби кизиқарли маълумотлар акс этган бошқа плакат ва буклетлар, Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясига қўшилганидан бери хорижий мамлакатлар ва республикада нашр этилган инсон ҳуқуқларига оид адабиётлар ва Пре-

зидент Фармони эълон қилингандан буюн ТДЮИ жамоаси томонидан амалга оширилган тарғибот ва ташвиқот ишлари жараёни ҳақида хикоя қилувчи фотолавҳалар кўргазма иштирокчиларига тақдим этилди. Тадбирда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг ахборот бўлими ва Тошкент шаҳридаги бир нечта олий ўқув юрти, яъни Тошкент давлат шарқшунослик институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари иштирок этишди. Тадбирда Тошкент Давлат юридик институти профессори М.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиги А.Раҳмонов, БМТнинг Ўзбекистондаги Ахборот бўлими раҳбари Н.Байқабулова ва ТДЮИ 3-курс талабаси Б. Илхомжоновлар сўзга чиқиб, ушбу муҳим халқаро ҳужжатнинг ўзига хос томонлари, ёшлар ҳаётидаги ўрни ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Жасур ЖУМАНИЁЗОВ, ТДЮИи «Халқаро ва қийсий ҳуқуқ» кафедраси ўқитувчиси



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Тиббиёт ходимлари куни олдида

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2005 йил 1 декабрдаги «Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»-ги Қарорини мамлакатимизда тиббиёт соҳасига, жумладан энг машаққатли ҳамда шарафли касб соҳиблари — тиббиёт ходимларига бўлган юксак эътибор ва гамхўрликнинг яққол ифодаси дейиш мумкин. Бу юксак ишонч тиббиёт ходимларининг ўз ишига янада масъулият билан ёндашишини кучайтириб, касбий билим ва малакаларини, шунингдек, тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим омил бўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури ҳақида»-ги Қарори ва 2007 йил 19

сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада кучайтириш ва уни ривожлантириш Давлат дастури амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»-ги Фармони бугунги кунда ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Жумладан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидан бўлган болалар ва катталар поликлиникалари ва аёллар маслаҳатхоналари ўрнига ягона, аҳолига қулай бўлган оилавий поликлиникалар ташкил этилди. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бу ислоҳот ўз навбатида давлат бюджетининг жуда катта миқдордаги маблағларининг тежаллишига замин яратди ва бу маблағлар оилавий поликлиникаларда қўшимча имтиёзли тиббий хизмат турларини ташкил этиш имконини берди. Хусусан 15 та да-

волаш-профилактика муассасаси босқичма-босқич ўз-ўзини молиялаштиришга ўтказилди. Шунингдек, умумамалиёт шифокори тизимини Тошкент шаҳрида босқичма-босқич татбиқ этиш мақсадида «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» халқаро лойиҳаларининг шаҳар модели ишлаб чиқилди. Оилавий поликлиникаларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, иш услубини халқаро андозаларга мос равишда ташкил этишга эришилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри аҳолисига 44 та шифохона, 124 та амбулатория-поликлиника, 4 та маҳалла врачлик пунктлари самарали хизмат кўрсатмоқда. Даволаш-профилактика муассасаларидаги шифокорлар сони жами 8126 нафарни ташкил этиб, уларнинг 45 фоизи амбулатор-поликлиника тизимда, 16808 нафар ўрта тибби-

ёт ходимининг эса 49 фоизи амбулатор поликлиника тизимда фаолият юритади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида муассасаларда жами 87 та тиббий шифохонада тўлиқ реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бирламчи тизимда жами 6 та янги оилавий поликлиника қуриб фойдаланишга топширилди. Шаҳар аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш йўлида даволаш профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Янги тиббиёт масканлари янги иншоот ва бинолар барпо этилмоқда, бир қатор муассасаларда реконструкция ва тўлиқ таъмирлаш ишлари бажарилаётган ва замонавий тиббий жиҳозлар, юмшоқ мебеллар билан таъминланмоқда. Бу каби тадбирлар ҳам «Ёшлар йили» Давлат дастури ҳақида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдида давом этирилиб, 14 та даволаш муассасаларида асосий

қурилиш ва таъмирлаш ишлари хомийлар ҳисобига олиб борилмоқда. Жумладан, Чилонзор туманида хомийлар маблагидан 36-сонли оилавий поликлиника, Шаҳар силга қарши ва тери-таносил касалликлари диспансерлари қурилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. 5-шаҳар юқумли касалликлари шифохонасининг ёрдамчи биноларида қурилиш ишлари якунига етмоқда. 4-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси ўрнига 200 ўринга мўлжалланган янги бино қурилиши амалга оширилмоқда. Капитал қурилиш билан бир қаторда бир неча муассасада капитал таъмирлаш ишлари якунига етмоқда.

Ислохотларнинг изчиллик билан давом этаётганлиги албатта халқимиз саломатлиги ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган эзгу мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатлардир. Йўлаймики, бу эзгу ишлар бардавом бўлади. Зеро, халқ саломатлиги — юрт тинчлигидан далolatдир.

Дилором ИКРОМОВА



Шифо масканларида

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИГА КАМАРБАСТАЛАР

Дарҳақиқат, саломатлигимиз посбонлари бўлган шифокор ва ҳамшираларнинг халқимиз соғлигини сақлашда туну кун сидқидилдан қилаётган эзгу меҳнатлари таҳсинга лойиқдир. Мирзо Улугбек туманида жойлашган 3-сонли болалар жаррохлик клиника шифохонасида ҳам ўз касбининг жонқуяри бўлган малакали шифокор ва ҳамширалар болалар саломатлиги йўлида самарали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Мазкур шифохона нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда болалар жаррохлигига асос солган шифо маскани ҳисобланади.

— Шифохонамизда бир йилда 6000-6500 нафар бемор болалар дардларига шифо топадилар, — дейди 3-сонли болалар жаррохлик клиник шифохонаси бош шифокори Моҳиба Абидова. — Шунингдек, бир йилда 3000-3500 та турли хажмдаги операциялар амалга оширилади. 10000 нафар беморларга амбулатор ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари шифохонадаги барча тугриворлар, Меҳрибонлик уйлари, болалар касалхоналари учун консультатив марказ сифатида ҳам иш олиб боради. Шифохонада шошилч жаррохлик бўлими, торакал жаррохлик бўлими, йирингли жаррохлик бўлими, режали жаррохлик бўлими, травматология ва ортопедия бўлими, реанимация бўлими, ёрдамчи бўлимлар, УЗИ ва эндоскопия хоналари, клиника ва биохимия лабораториялари, рентген хонаси, физиотерапия хонаси, дорихона мавжуд бўлиб, улар беморларга сифатли ва шошилч ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, шифохонада Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтининг 2-болалар жаррохлик кафедраси фаолият кўрсатади. Унда профессор ва доцентлар иштирокида беморлар қўриги, консултатив ёрдам ва оғир операциялар ўтказилади. Мурожат этаётган беморларга аниқ ва тезкор ташхис қўйишда шифохонада барча шарт-шароитлар мавжуд. Қувонарлиси шундаки, шифохонамизга Япония гранти асосида ИВЛ аппарати, электро отсос, электро коагулятор, портатив УЗИ аппарати, кичик ва катта операцион тўпламлари олиб келинган.

Билиб қўйган яхши

УЗОҚ УМР КЎРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

ҲАР БИР ИНСОН СОҒ-САЛОМАТ БЎЛИШНИ, УЗОҚ УМР КЎРИШНИ ИСТАЙДИ АЛБАТТА. БУНИНГ УЧУН УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРЛАРИНИ БИЛИШНИНГ ВА УНГА АМАЛ ҚИЛИШНИНГ КЕРАК БЎЛАДИ. УЗОҚ УМР КЎРИШ, СОҒЛОМ БЎЛИШ СИРЛАРИДАН СИЗ ҲАМ ВОҚИФ БЎЛИНГ.

- Узоқ умр кечирish учун биринчи навбатда соғлом ва тартибли ҳаёт кечирish;
- Кам ейиш, кам ухлаш, кам гапирish;
- Оқ ун ва ёғли таомларни кам истеъмол қилиш;
- Кўпроқ сабзавот ва меваларни тановул этиш;
- Спиртли ичимликлар, гивеванд моддалар, тамаки ва носдан узоқ бўлиш;
- Кўпроқ саримсоқ, зайтун ёғи, парранда ва балиқ гўшти истеъмол қилиш;
- Хар куни жисмоний машғулотлар билан шугулланиш. Қўнига камида бир соатдан кўпроқ пиёда юриш;

- Асаббўзарлик ва ҳаяжонланишдан сақланиш;
- Ишда ўзини ҳаддан ортиқ толиқтириб қўймаслик;
- Ҳамиша хотиржам ва яхши кайфиятда бўлиш;
- Хар доим мижоз мўстадиллигини сақлаш, танани мунтазам чиқиндилардан тозалаш;
- Қад-қоматни тўғри сақлаш;
- Жисмоний ва руҳий ҳаракатларни, уйку ва уйқоқлини мўстадиллаштириш;
- Тана оғирлигини бир меъёردа сақлаш;
- Шакар ва тузни иложи борича кам тановул қилиш;
- Таркибида ичимлик содаси бўлган озуқаларни тановул қилманг,

чунки сода қон таначаларининг парчаланишига ва қон босимининг ортишига сабабчи бўлади;

- Баданин меъёрида қуёшда чинқитириш, сувда чўмилиш, очик ҳавода нафас олиш;
- Мунтазам равишда шифокор кўригидан ўтиш, вақтида дам олиш;
- Турли хилдаги дориларни иложи борича истеъмол қилмаслик. Очик ҳавода сайр қилиш, ижодий фикр, тана эгилувчанлигини сақловчи машқларни бажариш, тартиб билан овқатланиш зарур.

Мана шу тартиб-қоидаларга амал қилсангиз, соғлигингиз мустаҳкам бўлиб, узоқ умр кўрасиз албатта. Сизга соғлом турмуш, бахтли ҳаёт тилаймиз.

ИНСОН УЧУН БЕБАҲО БЎЛГАН САЛОМАТЛИГИМИЗГА КЎПИНЧА БЕФАРҚ, ЛОҚАЙДЛИК БИЛАН ҚАРАБ, КАСАЛЛИКНИ БАТТАР АВЖ ОҚДИРИБ ЮБОРАМИЗ. ОҚИБАТДА ОҒИР ДАРДГА ЙЎЛИҚҚАЧ, ДАРДИМИЗГА ДАВО ИСТАБ ШИФОКОРГА ЮРАМИЗ. МАНА ШУНДАЙ ВАҚТЛАРДА ЖОНИМИЗГА ОРО КИРИБ, ДАРДИМИЗГА МАЛҲАМ БЎЛАДИГАН ҚЎЛИ ЕНГИЛ, СЎЗИ ШИРИН ШИФОКОРЛАРДАН ШИФО ТОПИБ, ДАРДДАН ФОРИГ БЎЛАМИЗ ВА ЯХШИ ҲАМ ШУЛАР БОР ЭКАН, ДЕБ ҚЎВОНАМИЗ, УЛАРДАН БИР УМР МИННАТДОР БЎЛАМИЗ.



Хомийлар ва шифокорлар йилида хомийлар ташаббуси билан касалхонанинг 1-даволаш корпусида қайта қуриш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ёшлар йилида эса «Меҳр нури» жамғармаси ташаббуси билан республикада ягона бўлган йирингли жаррохлик бўлими тўлиқ капитал таъмирланди ва янги, замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланди. Шифохонада 55 нафар олий ва биринчи ва иккинчи тоифали шифокорлар, 178 нафар малакали, қўли енгил, қаққон ҳамширалар бемор болалар дардида маҳкам бўлиб келишмоқда. С.Салихходжаев, Х.Салоҳитдинов, Ш.Расулов, А.Даутова сингари шифокорлар, У.Турсунова, У.Ақбарова, В.Абдуллаева каби ҳамширалар шулар жумласидандир. Албатта, ушбу шифохонанин ўз касбига меҳр қўйган шифокору ҳамширалари хизматидан беморлар доимо миннатдорлар.

Биз ҳам қалби оқ халатидек беғубор, халқимиз саломатлиги йўлида камарбаста бўлаётган шифохонанин шифокор ва ҳамшираларини, шунингдек, барча саломатлигимиз посбонларини касб байрамлари-Тиббиёт ходимлари куни билан муबारакбод этиб, уларга соғлиқ-омонлик, эзгу ишларида ҳамisha омад тилаймиз.

Гулнора ШОКИРОВА СУРАТЛАРДА: 3-сонли болалар жаррохлик клиник шифохонаси фаолиятдан лавҳалар.

Мутахассис оғохлантиради КАСАЛЛИККА БЕПАРВО БЎЛМАНГ

БУГУНИ КУНДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН ЎТА ХАВФЛИ БЎЛГАН ОИТС, СИЛ, ГИВАНДЛИК СИНГАРИ КАСАЛЛИККА УЧРАГАН БЕМОРЛАР СЕНИ ОШИБ БОРАЁТГАНЛИГИ БУТУН ДУНЁ АХЛИНИ ХАВОТИРГА СОЛМОҚДА. УЛАР ОРАСИДА СИЛ КАСАЛЛИГИ ҲАМ ОҒИР ДАРД ҲИСОБЛАНАДИ. БУ КАСАЛЛИКНИНГ ДАВОСИ БОРМИ? УНИНГ ОДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА БУГУН БИЗ ТОШКЕНТ ШАҲАР СИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ ДИСПАНСЕРИНИНГ БОШ ШИФОКОРИ ХУРСАНОЙ ИСМАТУЛЛАЕВА БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.

— Хурсаноё опа, сил касаллиги, унинг оғир асоратлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, инсон аввало дардга йўлиқмасин, қандай касаллик бўлмасин унга бепарво бўлиш керак эмас. Албатта, касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул. Сил касаллиги ҳам хавфли ва юқумли касалликдир. У одатда ўпкани зарарлантиради ва одам йўталганда, аксирганда, гапирганда ёки тулпурганда хаво орқали тарқалади. Агар бемор тўлиқ махсус даволашни курсидан ўтса, касалликни бутунлай даволаса бўлади. Агар даволанмаса, касаллик узоқ давом этувчи ноғиронликка ва ҳаттоки ўлимга олиб бориши мумкин. Ўпка сили билан касалланган, лекин даволанмаётган бемор бактерияларни тарқатиш орқали йилга 10 тадан 12 тагача соғлом одамларга касалликни юқтириши мумкин.

— Сил касаллигининг дастлабки белгилари қандай намён бўлади?

— Сил касаллигининг дастлабки босқичларида аниқлаб, уни ўз вақтида даволаш чораларини қўриш жуда муҳимдир. Шунинг учун унутмаслик керакки, касаллик қанча эрта аниқланса, уни даволаш шунчалик самарали бўлади. Сил касаллигининг дастлабки белгиларини қуйидагилардан билиш мумкин. Яъни, уч ҳафтадан кўпроқ давом этувчи йўтал, шиллик ёки тўғирингли, баъзида қон аралаш балғамнинг ажраллиши, вақти-вақти билан пайдо бўлувчи иситма, кучли терлаш, айнақса тунари, кўкрак қафасидаги оғрик, умумий ҳолсизлик, иштаҳанин бўғилиши, вазнини йўқотиш сингари белгилар орқали намён бўлади. Шунинг учун унутмаслик керакки, сиз ўзингизда, қариндошларингизда уч ҳафтадан кўпроқ давом этаётган йўтални кузатсангиз, зудлик билан шифокорга мурожаат қилинг. Эсингизда бўлсин, сил касаллиги қанча эрта аниқланса, уни даволаш шунча самаралироқ бўлади.

— Сил касаллигини аниқлаш ва даволаш мумкинми?

— Сил касаллигининг деярли барча янги қўринишларини силга қарши махсус дорилар билан даволаш мумкин. Даволаш курсининг дастлабки бир неча ҳафтаси шифохонада ўтказилиб, у камида олти ойдан тўққиз ойгача давом этади. Шунинг айтиш жоизки, касалликни даволаш курсидан тўлиқ ўтиш жуда муҳимдир. Чунки бемор давоLANиши бошлагач, ривожланаётган бактериялар сони одатда камаяди ва шу билан бирга бошқа одамларга касалликни юқтириш хавфи ҳам пасаяди. Бир неча ҳафтадан сўнг бемор ўзини яхши ҳис қила бошлайди. Лекин у даволашни тўхтатмасдан, шифокорнинг кўрсатмаларига мувофиқ дориларни қабул қилишни давом эттириши лозим. Чунки сил бактериялари ўта яшовчандир. Агар силни даволаш жараёни тўхтатилса ёки беморлар дориларни нотўғри қабул қилсалар, сил бактериялари уни даволаш учун ишлатиладиган дориларга нисбатан чидамли бўлиб қолади ва кейинчалик уни даволаш учун анча кўп ҳаракат ва вақт талаб қилинади.

— Сил касаллигининг одам ўзини қандай ҳимоя қилиши мумкин?

— Сил касаллигининг бактериялари одам йўталганда, аксирганда, гапирганда ёки тулпурганда хаво орқали тарқалади ва бошқа одамларга улар бактериялар билан зарарланган хаводан нафас олганларида юқди. Соғлом инсон организмиде одатда сил касаллигининг ривожланишига қарши курашади. Лекин тўғри овқатланмайдиган, чекувчи, спиртли ичимликлар ва гивеванд моддалар истеъмол қилувчи одамларда сил касаллигини юқтириб олиш хавфи анча юқори бўлади. Энг ёмони, сил касаллиги билан оғирган одамларнинг оила аъзолари ҳам хавф остида бўлади. Бу касалликнинг олдини олиш учун уйни доимо шамоллатиб туриш ва тўғри овқатланиш жуда муҳимдир. Касалликнинг белгиларини вақтида аниқлаб, уни ўз вақтида даволашга киришсангиз, албатта бу дарддан фориғ бўласиз. Фақатгина ўз саломатлигига бефарқ бўлиб, касаллик вақтида даволанмаса, оқибатда бу кўнгилсиз ҳолга олиб келиши мумкин.

Гулором ҲАМИДОВА суҳбатлашди

Санъат

ЯНГИ ТУРКУМДАГИ ВИДЕОФИЛЬМЛАР

ТОМОШАБИНЛАРИ ЯНГИ ТЕЛЕФИЛЬМЛАР БИЛАН ХУШНУД ЭТИШ БОРАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИ ИЖОДКОРЛАРИ САМАРАЛИ ИЗЛАНМОҚДА. УШБУ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА АДАБИЙ-ҲУДОИ ҚИЯДУВОНИЙ, ҲАЗРАТИ ИМОМ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.

Тўғра қилинган қатор видеофильмлар ислом оламининг кўзга кўринган алломаларига бағишланди. Унда Имом Бухорий, ат-Термизий, Абду-ҳолик Ғиждувоний, ҳазрати Имом ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўрта аср шарқининг улуг олими Аҳмад Фарғоний ҳаёти ва илмий фаолияти акс эттирилган экран асари ҳам томошабинлар эътиборини ўзига жалб этади деган умиддамиз.

«БИР АКТЁР, БИР МУАЛЛИФ» ДАСТУРИ

«ИЛҲОМ» ТЕАТРИ ЎЗИНИНГ ЯНГИ ИЖОДИЙ МАВСУМИНИ ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН БОШЛАДИ. ТЕАТР САҲНАСИДА ЧЕТ ЭЛ ДРАМАТУРГИЯСИНИНГ ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАРИ ҲАМ ПОСТАНОВКА ҚИЛИНАДИ.

«Бир актёр, бир муаллиф» дастури доирасида тақдим этиладиган спектакллар ҳам саҳна юзини кўради.

Француз драматурги Давид Лесконинг «Яхшиланиш» деб номланган асари асосида тайёрланаётган саҳнавий кўринишлар ҳам намойиш қилинади. Француз кўринишлари постановка қилишда ҳам театр француз режиссёрлари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ ҲАМ ГОЛИБ

«ЕВРОАЗИЯ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНИГА ЎН ЙИЛ БЎЛДИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА БОЛТИҚЎЙИ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ФИЛЬМЛАРИ КЎРИКЛАРИ СИФАТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН БУ ФЕСТИВАЛ ДОИРАСИДА ИЖОДИЙ ТАНЛОВЛАР ҲАМ УЙШТИРИЛМОҚДА.

Навбатдаги фильмлар кўриги «Марказий Осиё кўзуси» деган шior остида ўтказилди. Унда ўзбек киносанъаткорлари яратган «Телба» ва бошқа бадий фильмларда бош ролларни ижро этган актёрлар ҳам голибликни қўлга киритдилар.

Акбар АЛИЕВ

КОРЕЯ КИНОСИ КУНЛАРИ

ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ПОЙТАХТДАГИ «GRAND CINEMA» КИНОСАРОЙИДА «КОРЕЯ КИНОСИ КУНЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ.

Икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг ўрнатилганига ўн олти йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган кино ҳафталиги пойтахтлик ва пойтахт меҳмонлари Корейда ишланган энг сара фильмлардан баҳраманд бўлишмоқда.

— Икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликлар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда, — деди Жанубий Корей Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кен Джэ Мина. — Ўзбекистонда корей фильмларини кўзиқиб томоша қилишди. Халқларимиз ўртасидаги маданий ва маънавий алоқаларни ривож топишида катта аҳамият касб этадиган кино фестивалда ўзбек томошабинлари корей халқининг маданияти, урф-одатлари, узоқ тарихи ва бугунги кун ҳақида атрафлича маълумот олишлари мумкин.

Фестивалда намойиш этилаётган фильмларда мухлислар корей халқининг яшаш тарзи, урф-одатлари ҳамда замонавий кино санъатидан баҳраманд бўлишди. Режиссёр Ким Ки Дока томонидан суратга олинган «Баҳор, ёз, куз ва қиш» фильми мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Мазкур фильмда буддий дини вакили бўлган магнахи ҳаёти ишонарли ва қизикли воқеалар асосида тасвирланган. Фильмда нафақат севги-муҳаббат, балки инсоннинг ҳаётдаги асосий мажбуриятлари, қийинчиликлари, одамларнинг инсоф ва диндан узоқлашиб кетаётгани ҳаётий воқеаларда акс этади. Фильм Корейда аънанавий ўтказиладиган «Рикарино» кино фестивалида «Йилнинг энг яхши фильми» мукофотини қўлга киритган.

Режиссёр Ли Че Хваннинг «Унутганини хохламайман» фожеали-мелодрама йўналишидаги кино асарда эса ёш қизнинг соғлиги ёмонлашиб, эсидан оғиши, хотирасини йўқотиши, ҳис туйғуларини йўқолиши сўнг эса кучли севги-муҳаббат туйғулигига ҳаётга яна қайтиши моҳирона тасвирланади.

Режиссёр Квак Че Ённинг «Шаддод қиз» номли фильми ҳам мухлисларни бефарқ қолдирмаётди. Ушбу фильмда ҳам ёш қиз ва бир йилгитинг севгиси ҳаётий воқеалар асосида тасвирланади. Мазкур фильм 2001 йилда суратга олинган ўша йиллик Корейда жуда катта муваффақият қозongan. Уни томоша қилган ўзбек мухлислари фильмда ёшлар ҳаёти, севги-муҳаббати ҳаётий воқеалар асосида профессионал ижодкорлик иши билан суратга олинганига юқори баҳо беришди. Фильм Корей, Япония ва Гонконгда ўтган кино фестивалларда «Осиёнинг энг яхши фильми» деб эътироф этилган.

Албатта, бу каби кино фестиваллар халқлар ўртасидаги биродарликни, маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, хар бир давлатнинг кино санъати ўзга юрт мухлислари қалбига ўша юртга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шаклланиши билан эътиборлидир.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

03-03 ҲАҚИДА
Домо бўлар...

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ
ҲИКМАТЛАР

Турли асарлардан

(Шоислом Шомухамедов таржимаси)

Гапирмакка агар оғзинг очарсан,
Керак яхши-ёмонни ажратарсан.
Қафасдан қуш чиқиб, учганда билгил,
Яна қайта уни тутмоқ мушкул.

Ёпик, очик сир ҳақида оқиллар,
Айтишибди кўп ажойиб нақллар:
Бири — яроғ, ҳали қиндан чиқмаган,
Иккинчиси — ўқдир чиққан камондан.

Чиройли сўзингга бўлма махлиё,
Сўзингдек ишингни безат аввало.
Насихати иши бўлганда мурдор,
Унинг насихати топмас эътибор.

Ўтганлар ибратли сўзини ёд эт,
Ўтганлар ёдидан дилингни шод эт.

Ҳар бир ёмон ишдан сақла ўзингни,
Яхшилар ишидан узма кўзингни.

Яхши агар кўркса ёмон одамдан,
Жон эмас, обрўсин ўйлар ул замон.
Кул устига оёқ қўймаган одам,
Билурми остида оташи пинҳон.

Нокас сенга душман бўлиб қолса гар,
Минг хил хийла-найранг айлама пардоз.
Минг хил хийла-найранг захмидан кўра
Унинг сулҳ, жангидан сақланганинг соз.

Ким тузатмоқ эса жаҳон халқини,
Авалло тузатсин у ўз хулқини.

Тақабурликни қилма дилга пеша,
Тавозу айла ҳар кимга ҳамиша.
Бошқоқ бошин кўтарди гердайиб, боқ,
Бошин узди, туширди ерга ўроқ.

Ўзин ерга баробар этди донда
Териб қушлар чиқарди осмонда.
Талаб қил, иззату ҳурмат талаб қил,
Куйи тутсанг бўлур бошинг баланд, бил.

Бойликдан керилма мисоли нодон,
Чунки у ўткинчи булутдир чандон.
Ўткинчи булутда жавҳар бўлса-да,
Ақл бовар қилмас уни ҳеч қачон.

Гиламинг, бўлса ҳам ҳарир, серзийнат,
Ўз ҳаддинга қараб оёгинг узат.


Қаноат давлати соясида, бил,
Ҳимматим тамадан кетолди йироқ.
Амал бирла молдан хирсимни уздим,
Тама соясидан захмат яхшироқ.

Вайрона ичида ҳазина излаб,
Бойқуш каби чекма ранжу дард юзлаб.
Дунё бир матоқим, унинг кетидан
Хирс кўйиб юрмагил, ўтгил бетидан.

Жон минг насага бўлса-да муҳтож,
Яхшиси нокадан истама илож.
Нокадан сўраб ҳеч тўкмагил обрў,
Обрўни билмагил ариқдаги сув.

Бир яхши сўзим бор, кулоқ сол, э дил,
Қолмиш донолардан мерос ўлароқ.
Ким тортса адоват қиличин қиндан,
Адоват тигидан бўлади ҳалок.

Олчоқ, разил қорни тўйган чоқ
Олчоқлиги бўлур дадилроқ.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



2008 — Ёшлар йили

СОҒЛОМ КЕЛАЖАК САРИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛОМ АВЛОДНИ КАМОЛГА ЕТКАЗИШ, ЁШЛАРНИ ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ, МАЪНАН ЕТУК ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. БУ БОРАДА ҲУКУМАТИМИЗ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛГАН БИР ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР, ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ФИКРИМИЗГА ЯҚҚОЛ ДАЛИЛДИР.

Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки бутун жаҳон миқёсида аср вабосига айланган гиёвандлик, ичкиликбозлик, ОИТС сингари иллатлар қаторида одам савдоси масаласи ҳам долзарб муаммо бўлиб бормоқда. Ушбу иллатлар ҳақида ёшларга кенг маълумот бериш мақсадида яқинда Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалла гузарига «Гиёвандлик, ОИТСнинг олдини олиш ва одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш» мавзуларида мутахассислар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори Эльвира Маракаева кириш сўзи билан очар экан, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларни гиёвандлик, ОИТС каби иллатларнинг ёмон оқибатлари, шу билан бирга

одам савдоси каби масалалардан огоҳ бўлишларини таъминлаш ва уларга қарши курашиш барчанинг вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар Наркология диспансери шифокори А.Сейдов «Гиёвандлик ва унга қарши кураш, шаҳар ОИТС маркази шифокори А.Бобоев «ОИТСнинг олдини олиш, ИИБ ходими Б.Авазханов «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш мавзуларида ёшларга кенг маълумот берди.

— Соғлом авлод — соғлом миллат, соғлом жамият дегани, албатта. Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад ҳам келажагимиз бўлган ёшларни турли хил ёмон иллатлардан асраш, уларни адашиб, билиб-билмай нотўғри йўлларга кириб қолишларининг олдини олиш, гиёвандлик, ОИТС каби аср вабоси бўлган касалликлардан сақланиш иборат, — дейди Э.Маракаева. — Айниқса бугунги кунда яна бир муаммо бўлиб бораётган одам сав-

доси ҳақида уларни огоҳ этиш ва бундай қабих ишларни амалга ошираётган кимсалардан йироқ юришларини, турли алдовларга ўчмасликларини тушунтиришдан иборат. Шу босис мана шундай тадбирларни биз етук мутахассислар иштирокида мактабларда, маҳаллаларда ўқувчи-ёшлар ўртасида мунтазам ўтказиб келямиз. Қувонарлиси, бу каби тадбирларда ёшлар ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича саволларига мутахассислардан аниқ ва тўлиқ жавоб олиб, тегишли хулоса чиқармоқдалар. Албатта, келгусида бундай тадбирларни кўпайта ўтказиш ниятидамиз. Зеро ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом, бақувват бўлишлари ҳамда тиббий саводхонликларини оширишда ҳам бўлсада муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар тарзида ўтган маъмур тадбир ҳам ёшларда унутилмас таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ЭРКИН ЁЛЛАШ ТИЗИМИ БЎЙИЧА КОРЕЙС ТИЛИДАН ҚАЙТА ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида тузилган «Бандликка руҳсат бериш тизими бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида»ги Меморандумга мувофиқ Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати билан ҳамкорликда жорий йил май ойида ташкил этилган корейс тили бўйича тест синовидан ўта олмаган фуқаролар учун 2008 йил 21 декабрда корейс тилидан қайта тест синовларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Маъмур қайта ташкил этиладиган тест синовларида 2008 йил 24-25 майда тестдан муваффақиятли ўта олмаган ва рўйхатга олинмиш, тестга кира олмаган номзодлар (ёши 18 дан 39 ёшгача, яъни 1969 йил 22 декабрдан 1990 йил 21 декабргача бўлган даврда туғилган фуқаролар) қатнашишлари мумкин.

Рўйхатга олиш жараёни
Рўйхатга олиш муддати — вилоятлар бўйича рўйхатга олиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.
Рўйхатга олиш вақти — соат 09:00 дан 17:00 гача (танаффус вақти 13:00 дан 14:00 гача).
Фуқароларни рўйхатга олиш фуқаролик паспортида қайд этилган турар жойи бўйича ҳамда вилоятларнинг рўйхатга олиш жадвали асосида белгиланган кунда амалга оширилади.
Тест синовида қатнашиш истагини билдирган фуқаролар рўйхатга олиш жойларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
— тўлдирилган махсус талабнома шакли;
— Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ва унинг нусхаси;
— 3,5x4,5 см ҳажмдаги 2 донга рангли фотосурат (охирги 6 ой давомида олинган);
— тест тўлови бўйича имзоланган мажбурият;
— тўловни амалга оширганлиги ҳақида банк квитанцияси.
Вилоятлар бўйича рўйхатга олиш жадвали:

| Вилоятлар | Рўйхатга олиш кун | Рўйхатга олиш жойи | Манзили |
|---|-------------------|---|--|
| Жиззах вилояти | 18.11.2008 йил | Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси | Тошкент шаҳри, Қоратощ кўчаси, 44-уй |
| Тошкент вилояти | 19.11.2008 йил | | |
| Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти | 20.11.2008 йил | | |
| Фарғона вилояти | 18.11.2008 йил | Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази | Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 37-уй |
| Наманган вилояти | 19.11.2008 йил | | |
| Андижон вилояти | 20.11.2008 йил | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилояти | 18.11.2008 йил | 2-сон Тошкент юридик коллежи | Тошкент шаҳри, Лutfий кўчаси, 47-уй |
| Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари | 19.11.2008 йил | | |
| Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари | 20.11.2008 йил | | |

Тест учун тўланадиган тўлов:
17 АҚШ доллари миқдоридидаги тўловнинг миллий валюта - сўмдаги эквиваленти (тўлов амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича).
Тест синовларини ташкил этиш тўғрисида маъмур фуқароларга рўйхатга олиш жойларида қўшимча маълумотлар берилади.
Маълумотлар учун Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг қуйидаги телефонлари-га мурожаат қилишнинг мумкин: 252-33-79, 252-13-61.

Спорт янгиликлари

ЖЕПАРОВ БОШ СОВРИНГА ДАЪВОГАР

ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ (ОФК) ҚИТЪАМИЗНИНГ 2008 ЙИЛДАГИ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН ЎТКАЗАЁТГАН ТАНЛОВИДА БОШ СОВРИНГА НОМЗОД СИФАТИДА ТАНЛАНГАН ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ЯКУНИЙ РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Бу йилдан эътиборан жорий этилган янги қоидага биноан ҳар бир ўйиндан сўнг ўз жамоасига энг катта фойда келтирган футболчининг ўйини баҳолаб борилади. Шунинг учун ҳам қитъанинг энг яхши ўйинчиси совринига даъвогар футболчиларнинг рўйхати тўпланган очкога қараб, бир неча мартаба янгилаштирилди.

Нихоят, халқроқ ташкилот ўн тўртта футболчининг номзоди кўрсатилган яқиний рўйхатни тўзиб чиқди. Унга кўра, Ўзбекистонлик чарм тўп усталаридан Сервер Жепаров қитъамизнинг жорий мавсумдаги энг яхши футболчисига аталган совринга даъвогарлик қилади. Моҳир ярим ҳимоячимиз жорий мавсумда Тошкентнинг «Бунёдкор» ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида ишончли ўйин намойиш қилмоқда.

Шунингдек, танловда Кувайт, Оман, Қатар, Корея Халқ Демократик Республикаси, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Сурия, Австралия, Саудия Арабистони ҳамда Япония футболчиларининг номзодлари ҳам кўрсатилган.

АСОСИЙ ЎЙИНДА ФОЛИБ АНИҚЛАНМАДИ

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИНГ «D» ГРУПДАГИ ИККИНЧИ ТУР УЧРАШУВИДА ЕТАКЧИ ТЕРМА ЖАМОАЛАР — ЎЗБЕКИСТОН ВА АВСТРАЛИЯ ЎЗARO КУЧ СИНАШДИ.

Ҳар икки терма жамоа аъзолари дастлабки турда рақибларини маълумиятга уратгани босис, иккинчи ўйиндаги галаба мuddатидан олдин чорак финалга чиқиш имконини беришини инобатга олган ҳолда ҳужумкор ўйин кўрсатишга ҳаракат қилди. Айниқса, Аҳмад Убайдуллаев устозлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг мазмунини ўйини муҳлиси мутахассисларимизни ҳушуд этди.

Майдонда устунлик қилган ёш футболчиларимиз ҳисобни ўттиз саккизинчи дақиқада очиди. Бу вазиятда техник маҳоратини намойиш қилган жамоамиз сардори Шерзод Каримов австралияликлар посбони Эндрю Рэдмайни ожиз қолдирди - 1:0.

Ҳамюртларимиз учрашувнинг эллигини дақиқасига қўпол хатога йўл қўйишди. Шерзод Каримовнинг охиридан тўпни эгаллаб олган рақиб футболчиси Таж Майнникон вазиятдан унумли фойдаланиб, Дониёр Усмонов дарвозасини ишғол қилди.

Ўйин 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа билан яқунланди ва ҳар икки жамоа чорак финалга чиқиш учун асосий даъвогар ҳисобланади.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Таиланд ёшлар терма жамоаси вакиллари иорданиялик тенқурларини 3:2 ҳисобда доғда қолдирди. Бу галабадан сўнг таиландликлар кейинги босқичга чиқиш имкониятини сақлаб қолди.

Хал қилувчи учинчи тур беллашувида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таиландлик футболчиларга қарши майдонга ташди. Ушбу баҳсда вакилларимизни дуранг натижа ҳам қониқтиради.

Боҳир БЕК

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ИККИНЧИ

ШАҲРИМИЗДА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА ҚЎЛ ТЎПИ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ 1-ТУР МУСОБАҚАЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ.

Беш кун давом этган беллашувларнинг барчасини галаба билан яқунлаб 10 очко жамгаран Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти жамоаси биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 8 очко жамгаран Ўзбекистон Миллий университети жамоасига иккинчи, 6 очкога эга бўлган Олмалиқнинг «ОТМК» клубига учинчи ўрин насиб этди.

Қўл тўпи бўйича Ўзбекистон чемпионатининг 2-тур баҳслари 10-16 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

«БУНЁДКОР»ДА ЯНА ЎЗГАРИШ

МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИНИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТКАЗИБ, ҲОЗИРДА ТУРНИР ЖАДВАЛИ ПЕШКАДАМИ БЎЛИБ ОЛГАН ЗИКО БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ «БУНЁДКОР» ЖАМОАСИДА ЯНА ЎЗГАРИШ РЎЙ БЕРДИ. ШУ КУНГАЧА БРАЗИЛИЯЛИК ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИ РИВАЛДО, ЛУИАЗО ҲАМДА ВИЛЬНУЗВАЛАРНИ ЎЗ САФИГА ҚЎШИБ ОЛГАН «БУНЁДКОР» ЖАМОАСИДА ЭНДИЛИКДА ЎЗ ВАҚТИДА МОҲИР ФУТБОЛЧИ СИФАТИДАГИНА ЭМАС, БАЛКИ МУРАББИЙЛИК СОҲАСИДА ҲАМ ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН АЗАМАТ АБДУРАИМОВ СПОРТ ДИРЕКТОРИ БЎЛИБ ИШ ОЛИБ БОРАДИГАН БЎЛДИ.

«Бунёдкор»нинг спорт директори лавозимига ишлаб турган Бахтиёр Бобоев эндиликда клуб менежери бўлади.

Эслатиб ўтамиз, ўз вақтида Москвадан «Спартак», Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаларида маҳорат билан ўйнаган Азамат Тожикистон, Малайзия, Саудия Арабистони клубларида ҳам тўп сурган, минн футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасини бошқарган. Дарвоқе, Азамат Абдураимов 1994 йилги Осиё ўйинлари голиби ҳамдир.

Россиядаги мураббийлар Олий мактабининг биринчи ўзбек битирувчиси Азамат Абдураимовга омад ёр бўлсин деймиш.

(Ўз мухбиримиз)

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м², «Toshkent metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биноларини ижарага беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Сувбўйи — Кўприкли кўчалари. Маълумот учун тел: 239-89-27

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ
Буюртма Г - 1006

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3282 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида териди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
1 5 6